# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

*Туманлар йўқламаси:*

**Ҳамза**

Очиқ турдаги «Семурғ» радиоэлектрон аппаратуралари заводи ҳиссадорлик жамияти тумандаги йирик корхоналардан бири саналади. Унинг иш фаолияти узоқ Уралдаги «Октябрь» ишлаб чиқариш бирлашмасидан бошланган. Тошкентда 1982 йилда дастлабки шохобчасини бунёд этиш ишлари бошланган эди. Режа бўйича энг мураккаб радиоэлектрон маҳсулотлари «Р» русумли тамға остида чиқарилиши назарда тутилган. У кўпроқ ҳарбий-саноат мажмуаларига хизмат қилиши мўлжалланганди. Бу борада корхона Тошкент авиация заводи, Киев, Новосибирск, Челябинск, Москва, Ярославль электрон заводлари билан ҳамкорликда ишлади. Ўтган вақт ичида бирмунча ривожланишга эришилди. 1995 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб





завод очиқ турдаги «Семурғ» ҳиссадорлик жамиятига айланиб, янги иш усулида фаолият кўрсата бошлади. Жамият бошқаруви раиси — Тауфиқ Хўжаев электрон соҳасининг етук мутахассиси саналади.

Айни вақтда жамият аъзолари «ТВ-401» оқ-қора телевизорини, «РП-210», «РП-201» радиоприёмникларини, электр ёққич, хонадонга мослаштирилган антенна ва бошқа халқ истеъмоли буюмларини тўлиқ ишлаб чиқаришмоқда.

— Телевизорларимизга асосан «Семурғ» тамғасини қўямиз, — дейди ишлаб чиқариш бошлиғи Геннадий Пожарский. — Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўйлаб астойдил ишга киришдик. Эндиликда «Фотон» акционерлик жамиятида чиқарилаётган телевизор ва радиоприёмниклардан «Семурғ» телевизорларининг анчагина фарқи бор. Ишлаб чиқариш жараёни билан танишсангиз бунинг гувоҳи бўласиз.

«Семурғ» телевизорларини йиғиш цехи ишлаб чиқаришнинг юраги ҳисобланади. Цех бошлиғи Евгений Радченко ва ҳамкасабалари бир ойда 120 дона телевизорни йиғиб, харидорларга жўнатишади. **(Суратда чапдан иккинчи).**

— Мустақилликка эришганимизга эндигина беш йил бўлганига қарамай, катта ютуқларни қўлга киритдик. Буни биргина корхонамиз мисолида кўрадиган бўлсак, янги иш усулида иш бошлаганимиздан сўнг ҳар томонлама ўзгаришлар бўлди. Тўғри, ишлаш жараёнида оғир шароитларни бошдан ўтказдик. Эндиликда бутун қийинчилик ортда қолиб, муваффақият сари одимлаяпмиз. Ҳозир цехимизда 68 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Биринчи эмиссияда чиқарилган 500 сўмлик акцияларни барча ходимлар сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар. Корхона томонидан ишчиларга ва унинг оиласига меҳр билан қаралиб узлуксиз ижтимоий ҳимоя масалалари ҳал этилмоқда. Бундай имкониятдан фойдаланган хизматчилар бугун кечагидан унумлироқ ва сифатлироқ

*Саноат*

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

***• Туманда 30 та саноат корхонаси бор, шундан 14 таси ҳиссадорлик жамиятига айланиб иш юритмоқда. Жаҳонга машҳур бўлган Тошкент авиация ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, «Подъёмник», «Ортопедия» илмий-тиббий-техникавий мажмуи, «Тошқишлоқмаш», «Лола» атир-упа фирмаси, «Қўйлиқ» темир-бетон буюмлари заводи, «Тошмаргёғ», «Тоштажрибатаъмир», «Олтин бошоқ», «Одил дон» сингари акционерлик жамиятлари ичида очиқ турдаги «Семурғ» ҳиссадорлик жамиятининг ҳам ўрни алоҳидадир. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли буюмлари Ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам жўнатилмоқда.***

ишлашга ҳаракат қилишаётир, — дейди цех бошлиғи.

* * *

Ҳиссадорлик жамиятига ўтиб, ишлаб чиқаришни ривожлантирган ва бугунги кунда иқтисодий ислоҳотнинг инфраструктурасини кенг такомиллаштираётганлардан бири «Подъёмник» ҳиссадорлик жамиятидир. Бу жамоа аъзолари бозор иқтисодиёти шароитидаги, ўтиш давридаги тангликларга барҳам бериб, ҳозирги кунда юк кўтаргич — транспорт машиналари ва халқ истеъмоли буюмларини буюртма асосида ишлаб чиқаришмоқда. Ўтган йилнинг ўзида мармар карьерлари учун ва қора металлни қайта ишлайдиган, ҳамда метро қурилишида фойдаланиладиган кранлар буюртмачиларга етказиб берилди.

Айни вақтда корхонанинг кран цехи тажриба бўлимида Ўзбекистон халқаро алоқалар миллий банкининг буюртмаси асосида сейфлар ясашаётир. Бу ишни корхонада салкам 40 йилдан буён ишлаб келаётган Анатолий Семенченко бошқармоқда **(суратда А. Семенченко тайёр маҳсулотни назоратдан ўтказаяпти)**. Цехда 11 киши ишлайди. Улар бир ой ичида 50 дона сейфни тахт қилиб беришди. Бундай маҳсулот тури 10 хилга етди.

Бугунги кунда корхона талаб даражасида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарибгина қолмай, буюртма хизматини ҳам адо этяпти. Шунингдек, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб керамика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу турдаги маҳсулотлар Мустақил Ҳамдўстлик давлатларига ҳам жўнатилаётир.

Ҳозирги кунда «Подъёмник» ҳиссадорлик жамияти аъзолари ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли буюмлари турини кўпайтириш мақсадида Латвия Республикаси ишбилармонлари билан қўшма корхона тузишга шартнома имзоланди. Тузилажак қўшма корхонада кир ювиш машинаси ишлаб чиқарилади.



Дарвоқе, жамоанинг халқ истеъмоли буюмлари цехига замонавий технологиялар ўрнатилиб, у ердаги шишалар учун тиқинлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

* * *

«Ортопедия» илмий-тиббий-техникавий мажмуи ишчи-хизматчилари ҳам туман иқтисодиётини ривожлантиришга, мурғак қалбли инсонлар мушкулини осонлаштиришга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бу жамоада амалга ошириладиган ишлар республикамизда ягона ҳисобланади. Авваллари тайёрланадиган маҳсулотларга сарфланадиган хом ашёлар четдан келтириларди. Давр тақозосига кўра мутахассислар ички имкониятларни ўрганиб чиқиб, оқсаб бораётган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эришдилар. Жамоа 1995 йилда ногиронлар учун махсус оёқ кийимидан 20380 жуфт, протезортопед маҳсулотидан 3045 дона, турли хилдаги ногиронлар ниқобидан (бандаж) 3783 та ишлаб чиқаришган эди. Бу кўрсаткичлар 1994 йилга нисбатан анча салмоқлидир. 1996 йилнинг шу давригача номлари саналган маҳсулотдан 18087 та тайёрлаб беришга муваффақ бўлишди. **(Суратда: сунъий оёқлар тайёрлаш бўлимининг фахрий ишчиларидан Клавдия Болденко ва Клавдия Ивановалар жуда кўп йиллардан буён шу касбда ишлаб келишади).**



«Ортопедия» илмий-тиббий-техникавий мажмуи ҳисобида 87200 нафар фуқаро туради. Шундан 23350 нафари уруш қатнашчиси, 10952 нафари эса болаларни ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида жамоа аъзолари бир кун ҳам ишлаб чиқаришни тўхтатмай хаста кўнгил соҳибларини ранжитмадилар. Ҳозирги кунда жамоа аъзолари мустақиллигимизнинг беш йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирланишмоқда.

* * *

Бундан ташқари тумандаги енгил металл конструкциялари заводи шаҳримизда қурилаётган бозорлар учун металли соябонлар устунларини тайёрлаб бермоқда.



**(Суратда шу заводдан лавҳа)**. Шунингдек, нон корхоналари учун нон қутиларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. «Қўйлиқ»темир-бетон» тажриба заводи ишчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган турли ҳажмдаги бетон плиталар асосан Эски шаҳар учун жўнатилмоқда. Бу маҳсулотларни арматура цехининг В. Горобченко, У. Мархабаев, Б. Апретов сингари фидойилари пешма-пеш етказиб беришмоқда.

*Хизматдан мамнунмисиз?*

## ТОНГ САҲАРДАН ТУНГАЧА

***Тошкент троллейбуси тарихи Тарас Шевченко кўчасидаги 1-троллейбус саройидан бошланади. Ҳозирги кунда 400 кишидан зиёд ушбу жамоага Акмал Султонов бошчилик қилади.***

Ёшларнинг устози бўлган бу инсон ўзининг 40 йиллик умрини транспорт хизмати билан боғлади. Унинг бу даргоҳга келганига 4 йил бўлган бўлса ҳам саройда аҳолига хизмат кўрсатишдаги кўпгина муаммоларни ҳал этиб улгурди. Натижада ҳар куни 76 та троллейбус тонг саҳарда йўловчилар хизматига чиқиб, 13330 чақирим йўл босяпти.

Бошлиқ хонасига кирганимизда стол атрофида тасарруф бўлими бошлиғи Ҳожиакбар Эшмуҳамедов, 2-бўлим бошлиғи Юрий Иванов, сарой бошлиғи ўринбосари Собир Аббосовлар эртанги кун дастурини муҳокама қилишаётган экан.

— Яхши натижаларимизнинг боиси энг аввало кадрларни жой-жойига қўйиб ишлатиш ва қўнимсизликка барҳам беришимизда деб ўйлайман, — дейди С. Аббосов. — Ҳанузгача ёш кадрлар етиштириш жиддий муаммолигича қолаётган эди. Бу муаммога ижодий ёндошиб, йилнинг март ойида сафимизни 15 та ёш ҳайдовчилар билан тўлдирдик. Яқинда яна 40 та ҳайдовчи жамоамизга келиб қўшилади. Режаларимиз амалга ошса, аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлиги ўз-ўзидан яхшиланиши кўриниб турибди.

Сарой ҳайдовчиларининг кўпчилиги янги йўналишлар бўйлаб қатнашади. Масалан, янги очилган 1-троллейбус йўналишида ҳам хизмат кўрсатиш шу жамоа зиммасига юклатилган. Масофаси 6,6 чақиримли «Олой» бозори — Аброр Ҳидоятов кўчаси бўйлаб 6 та машина ҳар 9 дақиқада мунтазам ҳаракат қилиб турибди. Йўналиш сардори Эркин Хидиров 12 та ҳайдовчига етакчилик қилмоқда. Намунали меҳнат интизоми туфайли бирорта ҳайдовчи молия режасини бажармай қолмайди.

Касб маҳоратларини намойиш қилиб келаётган Мирқосим Мақсудов, Мурод Йўлдошевлар ҳам шу йўналишда хизмат қилишади. Хатарсиз юрувчи бу усталар доим бирбирларига мададкор, ёшларга маслаҳатчи. Уларнинг қувончли ютуқлари — троллейбус хўжалигини моддий томондан мустаҳкамлашда баракали ҳисса қўшмоқда.

Машиналарнинг мунтазам ҳаракатида таъминловчиларнинг улуши салмоқлидир. Чунки аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш учун биринчи навбатда таъмирлаш ишларининг сифат ва самарадорлиги юқори бўлиши керак.

— Таъмирловчилар жамоаси турли миллат вакилларидан ташкил топган, — дейди сарой бош муҳандиси ўринбосари Шавкат Умаров. — Реостат , генератор, электр жиҳозларини созлашда Геннадий Зименьев каби чаққон ва билимдон усталар хизмат қилишади.

Носоз троллейбусларни белгиланган муддатда созлашда Ҳусниддин ва Ҳусан Камоловлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан обрў топишяпти. Цех бошлиғи Муҳаммадали Сатторов, Михаил Гасанов, Темур Гарипов, Николай Зелинский, Виктор Тюпко, Маннон Раҳматиллаевларнинг самарали меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Улар иш жараёнида ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга интиладилар. Бу — таҳсинга лойиқ, албатта. Бироқ саройда шундай тоифадаги ҳайдовчилар ҳам борки, улар машина кабинасида бегона кишиларни «сайр қилдириб» йўловчилар ғашига тегишади, Европа мусиқасини баланд овозда бақиртириб қўядилар. С. Мосин, А. Сатимбоев, С. Добилов, Р. Раҳимовлардан шунақа қилмишлари учун жарима ундирилди...

Камчиликларга муросасиз бўлган 1-троллейбус саройида ҳар тонг ҳамшаҳарларимиз хизматига шайланган машина чиқади. Улар тонг саҳардан ярим тунга қадар савобли ишларга бел боғлаб, ҳамшаҳарларимиз манзилини яқин қилиш иштиёқида ҳаракат қиладилар.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

*Хусусийлаштириш*

## ҚЎШИМЧА ИШ ЖОЙЛАРИ

***• Корхона ва савдо тармоқларини рўйхатга олиш, уч кун ичида барча ҳужжатларни расмийлаштириб иш фаолиятини бошлашга рухсат бериш борасида ҳам самарали ишлар қилинмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатга олинганлар сони бирмунча кўпайганлиги албатта қувонарли ҳолдир. Жумладан 1995 йилда жами 562 та тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар қайд этилган. Жорий йилнинг иккинчи чорагига қадар 2000 га яқин ишбилармон хўжаликлар рўйхатдан ўтишган. Улар орасида энг кўпи хусусий корхоналар бўлиб, 463 тани ташкил этади. Масъулияти чекланган жамиятлар 342 та, кичик корхоналар 444 та, ширкатлар 128 та, турли соҳадагилар 137 та, очиқ турдаги акционерлик жамиятлари 14 та, 23 та ижара корхонаси, 24 та жамоа корхонасидан иборатдир.***



«Достон зукко» хусусий фирмаси икки йилдан буён савдо-сотиқ билан шуғулланиб, аҳоли эҳтиёжини қондиришга ва кам таъминланган оилаларга оз бўлсада ёрдам беришга ҳаракат қилди. Орттирилган жамғарма ҳисобига ижарага жой олиб, «Гулнора» тикувчилик курсини очишга эришилди.

— Гулнора рафиқамнинг исми. У бундан бир йил муқаддам Зобитлар уйи қошидаги тўрт йиллик тикувчилик курсида ўқиб чиққан эди, — дейди фирма раҳбари Маҳмуд Жуманиёзов. — Бозор иқтисодиёти шароитида қўшимча иш жойлари ташкил этиш ва ҳунар ўрганиш-ўргатиш кони фойда экан. Шу боисдан ҳам Гулнорахоннинг ташаббуси билан курс очишга аҳд қилдик. Ишимизнинг бошланиши ёмон эмас.

— Бир иш қилмоқчи бўлсанг, албатта, унга маблағ керак. Бу борада «Достон зукко» фирмаси ҳомийлик кўрсатганидан ғоят миннатдорман, — дейди Гулнорахон. — Дастлабки ўқишни бошлаганимизда дарсни битта ўзим ўтар эдим. Ҳозир ёнимда ҳамроҳим Малоҳат Нишонова бор. Ўқитиш жараёнида мен кўпроқ ўз устозларимнинг тажрибаларидан ва ўргатган билимларидан фойдаланаяпман. Шунинг учун курсимизни битириб чиқадиган қизларга тикувчилик гувоҳномасини шунчаки «қоғоз» олаяпман деб ўйламай, жиддий ёндошишларини талаб қиляпмиз.

Курсимизда ҳозир 40 нафар аёл тикувчиликнинг назарий билимларини ола бошлади. Улар курс талабидаги билимни олиб бўлишгач, яқин кунларда ўз ишини бошлайдиган авиалицей қошидаги тикувчилик цехимизда ҳам ишлаш имкониятига эга бўладилар.

***СУРАТДА: (чапдан ўнгга) «Гулнора» тикувчилик курсининг асосчиси Гулнора Жуманиёзова талабалар Шоҳиста Парпиева ва Дилдора Бекмуҳамедовалар билан дарс жараёнида.***

*Кўппартиявийлик*

## ЗАМИН ФАРЗАНДИМИЗ

***• Ҳозирги кунгача Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши аъзоларининг сони 3000 дан ошди. Мавжуд 48 та маҳалланинг 34 тасида бошланғич партия ташкилотлари бор.***

Мустақиллигимиз равнақи йўлида ташкил топган кўппартиялилик ва уларнинг аъзолари ҳозирги бозор иқтисодиёти, унинг моҳияти ва негизини тушунтиришда ўзларининг сиёсий фаолиятларини жадаллаштиришмоқда. «Миллий тикланиш», «Ватан тараққиёти», «Адолат» партиялари, «Халқ бирлиги» ҳаракати ва айниқса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг фаолияти бунинг мисоли бўла олади. Бу борада кенгаш раиси Шавкат Файзиев шундай дейди:

— Пойтахтимизнинг йирик саноат корхоналари асосан туманимиз ҳудудидан жой олган. Аҳолининг кўпчилик қисмини ишчилар ташкил этади. Бугунги бозор шароитида саноат ишлаб чиқариш корхоналарида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг туб моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтиришда туман ҳокимлигига яқиндан кўмаклашиб, улар билан ҳамкорлик қилаётганимиздан хурсандмиз.

Кенгашимизнинг бошланғич партия ташкилотлари маҳалла ҳудудларида, йирик саноат корхоналарининг деярли барчасига ўзининг бошланғич ташкилотига эга. Ушбу бошланғич партия ташкилотлари жойларда партия дастурий мақсадларини амалга ошира бориб, аҳолини турмуш ташвишларига, қолаверса, ҳаёт қувончларига шерик бўлиб улар ишончини қозонмоқда.

Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгашининг олиб бораётган хайрли ишларидан бири доимий равишда оталиққа олган 103-ногирон болалар интернати билан ҳамкорлигидир. Кенгаш томонидан кўрсатилаётган саъй-ҳаракат ва ёрдам нафақат байрам кунлари, балки доимий равишдаги оддий иш усулига айланган.

Юртбошимизнинг «Келажагимиз — ёшлар қўлида» деган ажойиб иборалари бежиз айтилмаган, албатта. Чунки ёшлар ҳар бир давлатнинг давомчиларидир. Хусусан партиямиз дастурида ҳам ёшлар сиёсати асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб Ҳамза туман кенгаши ёш авлод тарбиячилари бўлган туман халқ таълими бўлими ходимлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Таълим-тарбия соҳасида мавжуд бўлган турли муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳамда маориф соҳасидаги ривожланишга ғов бўлаётган сунъий тўсиқларни бартараф этиш учун туман кенгаши ва халқ таълими бўлими ҳамкорликда тузган «Сиёсий клуб» режа асосида ўз ишини олиб бормоқда. Ўйлаймизки, бу ҳамкорлик яқин орада ўз самарасини беради.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгаши туман ҳокимлиги билан янги-янги режаларни ишлаб чиқмоқда. Бу режалар асосан туман аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш ҳамда олдимизда турган бунёдкорлик ишларига барчани сафарбар қилишдир. Чунки биз барчамиз мана шу мустақил замин фарзандларимиз.

*Маҳаллалар*

## ВАТАН — ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

***• Туманда 48 та маҳалла бор. Уларнинг ичида энг намуналиси И. Юнусов маҳалласи саналади. 24 та маҳаллада чойхона ва гузарлар қуриб битказилган. 10 та маҳалла чойхонаси ҳашар йўли билан қурилган.***



Тумандаги маҳаллаларнинг ишлари нафақат шаҳримизда, балки республикамиз миқёсида танилган. Ўтган йилларда республикадаги маҳаллалар ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Фарғона водийси бўйлаб саёҳатга борганларида ҳам туман маҳаллаларидан бир қанча вакиллар иштирок этишган. Мана шундан сўнг 1993 йилнинг 26 августида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раёсати қарорига асосан туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими ташкил топган.

Айни кунда туман ҳокими ўринбосари, жамғарма раиси Баҳодир Садриддинов маҳаллалардаги қилиниши керак бўлган ишларни амалга оширишда ёшларга бош, кексаларга йўлдош-кўмакдош бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамғарма туман фуқаролари, айниқса кам таъминланган, қаровчисиз қолган, ногирон оилаларга яқиндан ёрдам бериб келяпти. Ҳафтанинг ҳар сешанба кунида алоҳида кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар юзасидан қабул ўтказилиб, ёрдамга муҳтожларга зудлик билан мурувват кўрсатилмоқда. Бундай оилаларга 2-5 минг сўмгача «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман кенгашининг раёсати қарори билан ёрдам берилади. Табиий офатдан зарар кўрган фуқароларнинг оилаларига эса керакли қурилиш материаллари олиш учун пул ўтказиш йўли билан 10 минг сўмдан маблағ ажратиб берилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими ҳисобига ўтган йилда 1 миллион 262 минг 262 сўм миқдорида корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан маблағ тушган эди. Бу маблағнинг 1 миллион 91 минг 612 сўми хайрия йўлида фуқароларга тарқатилди.

Жамғарманинг иш фаолияти яхшиланишида ва уни қўллаб-қувватлашда намунали маҳаллалар ҳамкор бўлишаётир. Масалан, «Тарнов боши» (оқсоқоли— Қўчқор Эрматов), «Наврўз» (оқсоқоли — Маҳамаджон Оспанов), Бобур (оқсоқоли — Маҳамадсобир Эгамбердиев), Усмон Носир (оқсоқоли — Сотволди Хўжаев), Зебо Шамсутдинова (оқсоқоли — Исмоил Одилов), «Дўстлик» (оқсоқоли — Бурхон Мавлонов), Улуғбек (оқсоқоли — Баратжон Саломов) ва бошқа маҳаллаларнинг номини тилга олсак арзийди.

Мавжуд маҳаллаларнинг 24 тасида туман ҳокимлиги бошчилигида маҳалла гузарлари ва чойхоналар қуриб битказилган. Шу кунларда бу ерларда маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, турли мавзудаги суҳбатлар ва мулоқотлар ўтказиляпти. Айрим маҳаллаларнинг чойхоналари ҳашар йўли билан қурилганлиги боисидан маҳалла аҳлининг энг севимли масканига айланаётир. Буни «Беш бола», «Умид», Янгиобод ва Амир Темур маҳаллаларида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунларда тумандаги айрим маҳаллаларда маҳалла гузарларини қуриш давом этмоқда. Баъзиларида эса келгуси йил амалга оширилиши эътиборга олиниб, лойиҳалари тайёрланаётир.

«Ватан — остонадан бошланади» деганларича бор. Остонадан маҳаллага қадам қўйилади. Маҳаллаларда кундалик турмушимизнинг барча икир-чикирлари ҳал этилади. Келажак авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашда маҳалла фаолларининг, оқсоқолларининг роли салмоқлидир. Шунинг учун ҳам мавжуд маҳаллаларда болалар тарбиясига, ота-онага бўлган муносабатлар каттаю кичикнинг ҳурматига оид, қайнона-келин, қайнота-куёвлар ўртасида нозик хислатлар борлиги, уларни миллий урф-одатларимиз замирида сақлаб, бошқаларга ҳам ўргатиш лозимлиги кенг тарғиб этилади. «Ҳамшира-96», «Намунали оила», «Намунали маҳалла», «Маҳалла — адолат маскани», «Ҳамма нарса маҳалладан бошланади» сингари мавзулардаги суҳбат ва кечалар фуқароларнинг кундан-кунга яхши ҳаёт кечиришларига замин бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида барча маҳаллаларда катта шодиёналар ўтказиш учун кенг ҳозирлик кўрилаётир.

***СУРАТДА: Усмон Юсупов маҳалласи гузари қурилишида.***

